



ОИЛАВИЙ-МАИШИЙ ЗЎРАВОНЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Худойбердиев Абдурашид
Абдурасулович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Маъмурий ҳуқуқ кафедраси бошлиғи,
ю.ф.б.ф.д., доцент

Абдуллаев Файзулла
Абдуқодир ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Маъмурий ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси

Annotatsiya

Ушбу мақолада оилавий-маиший зўравонлик учун белгиланган маъмурий жавобгарлик чораларининг превентив самарадорлиги миллий статистика ва илмий-назарий қарашлар асосида таҳлил қилинган. Амалдаги жарима санкциясининг оила бюджетига салбий таъсири ва бу ҳолат жабрланувчини иқтисодий иккиламчи виктимизацияга дучор қилиши илмий далиллар билан асослаб берилган. Мазкур соҳадаги турли ёндашувлар ҳамда хорижий давлатлар (Франция, Австралия, Грузия) тажрибасини қиёсий таҳлил қилиш асосида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан жарима жазосини бутунлай бекор қилиб, унинг ўрнига муқобил жазо сифатида ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш ҳамда мажбурий психологик коррекция дастурларини жорий этиш бўйича концептуал илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Kalit so'zlar

Оилавий-маиший зўравонлик, маъмурий жавобгарлик, молиявий санкциялар, иқтисодий иккиламчи виктимизация, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари, мажбурий психологик коррекция, рецидив жиноятчилик.

IMPROVING ADMINISTRATIVE LIABILITY FOR DOMESTIC VIOLENCE

Abstract. This article analyzes the preventive effectiveness of administrative liability measures established for domestic violence based on national statistics and scientific-theoretical views. The negative impact of the current fine sanction on the family budget and how this situation subjects the victim to economic secondary victimization are substantiated by scientific evidence. Based on a comparative analysis of various approaches in this field and the experience of foreign countries (France, Australia, Georgia), conceptual scientific and practical proposals have been developed to completely abolish the penalty of a fine from the Code of Administrative

Responsibility and introduce paid public works as an alternative punishment, as well as mandatory psychological correction programs.

Keywords. Domestic violence, administrative liability, financial sanctions, economic secondary victimization, paid public works, mandatory psychological correction, recidivism.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА СЕМЕЙНО-БЫТОВОЕ НАСИЛИЕ

Аннотация. В данной статье на основе национальной статистики и научно-теоретических взглядов анализируется превентивная эффективность мер административной ответственности, установленных за семейно-бытовое насилие. Научными фактами обосновывается негативное влияние действующей санкции в виде штрафа на семейный бюджет и то, как данная ситуация подвергает жертву экономической вторичной виктимизации. На основе сравнительного анализа различных подходов в этой сфере и опыта зарубежных стран (Франция, Австралия, Грузия) разработаны концептуальные научно-практические предложения по полной отмене наказания в виде штрафа из Кодекса об административной ответственности и внедрению вместо него оплачиваемых общественных работ в качестве альтернативного наказания, а также программ обязательной психологической коррекции.

Ключевые слова. Семейно-бытовое насилие, административная ответственность, финансовые санкции, экономическая вторичная виктимизация, оплачиваемые общественные работы, обязательная психологическая коррекция, рецидивная преступность.

Оилавий-маиший зўравонлик жамиятнинг энг кичик ва энг муҳим бўғини бўлган оила институтига раҳна солувчи, инсон ҳуқуқларини бевосита поймол қилувчи ҳуқуқбузарликдир. Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизими тубдан ислоҳ қилиниб, жавобгарлик чоралари қатъийлаштирилди. Бироқ, мазкур нормаларнинг амалиётда қўлланилиши таҳлили санкцияларнинг, хусусан, молиявий жазоларнинг профилактик самарадорлигини қайта кўриб чиқишни заруратини юзага келтирмоқда.

Статистик маълумотларга кўра зўравонликка учраган хотин-қизларга ҳимоя ордери бериш кўрсаткичлари йилдан йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2023 йилда 39 142 нафар аёлга ҳимоя ордери берилган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 52 533 нафарни ташкил этган. Шунингдек, оилавий зўравонлик қурбони бўлаётган вояга етмаганлар муаммоси ҳам долзарб бўлиб, 2023 йилда 316 нафар, 2024 йилда эса 374 нафар болага ҳимоя ордери расмийлаштирилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59-2-моддаси (Оилавий (маиший) зўравонлик) бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳам кескин ўсиш динамикасини кўрсатмоқда. Агар 2023 йилда мазкур модда билан 14 та ҳуқуқбузарлик қайд этилган бўлса, 2024 йилда бу рақам қарийб икки баробарга ошиб, 29 310 тани ташкил қилган.

Жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланаётган бўлса-да, қўлланилаётган маъмурий жазо турлари ҳуқуқбузарнинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартиришда етарлича самара бермаяпти. Буни химоя ордери талабларини қасддан бузиш (МЖТК 206-1-моддаси) ҳолатларининг муттасил ошиб бораётганида кўриш мумкин: 2020 йилда бор-йўғи 147 та шундай ҳолат аниқланган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилда 2 802 тага, 2023 йилда 3 134 тага ва 2024 йилда 3 712 тага етган бўлиб, сўнгги 5 йил ичида қарийб 2425 фоизга (ёки 25 баробарга) ўсганлигини кўрсатмоқда.

Энг хавотирлиси, маъмурий таъсир чораларининг етарли даражада профилактик аҳамиятга эга эмаслиги қилмишнинг жиноятга айланиб кетишига сабаб бўлмоқда. Жиноят кодексининг 126-1-моддаси (Оилавий (маиший) зўравонлик) билан 2023 йилда 802 та жиноят қайд этилган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 1 109 тагача ўсган¹.

Бу статистика амалдаги маъмурий жазо турлари, хусусан, оилавий зўравонлик учун қўлланиладиган жарима санкцияси оиладаги муҳитни соғломлаштиришга хизмат қилмаётганини, мазкур ҳуқуқбузарликларни қайта содир этилиш ҳолатларининг олдини олишда ожиз қолаётганини илмий жиҳатдан асослайди.

Жаҳон криминологияси, виктимологияси ва маъмурий ҳуқуқ илмида оилавий зўравонлик учун молиявий санкциялар (жарималар) қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги узоқ йиллардан бери баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келади. Жумладан, ҳуқуқшунос олимлар бу масалада кескин қарама-қарши позицияларни илгари суришади. Жумладан, *биринчи гуруҳ олимлари* — хусусан, маъмурий ҳуқуқ ва криминология мутахассислари А.Н. Ильяшенко, Е.А. Антонян, А.И. Каплунов ҳамда А.П. Кореневлар жарима санкциясини маъмурий мажбурловнинг тезкор, ортиқча бюрократия талаб қилмайдиган ва таъсирчан чораси сифатида баҳолайдилар². Уларнинг фикрича, жарима ҳуқуқбузарда давлат жазосининг муқаррарлиги ҳиссини тезроқ уйғотади. Бу ёндашув тарафдорлари молиявий йўқотиш хавфи зўравонликнинг дастлабки (маъмурий ҳуқуқбузарлик даражасидаги) босқичларидаёқ тажовузкорни тўхтатиб қолувчи муҳим превентив ва жазоловчи омил бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблашади³.

Бирок, виктимология, оила ҳуқуқи ва гендер тадқиқотлари бўйича мутахассислардан иборат *иккинчи гуруҳ олимлари* мазкур позицияни кескин танқид қиладилар. Мазкур йўналиш вакиллари бўлган Фарб тадқиқотчилари Э. Старк, Р. Добэш, Л. Уокер ҳамда МДХ олимларидан Д.А. Шестаков, В.А. Номоконов ва С.Н. Абельцевлар молиявий санкцияларни оилавий-маиший муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олмайдиган “кўр-кўрона” ва суи механизм эканлигини таъкидлашади⁴. Уларнинг ҳақли эътирозига кўра,

¹Статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати маълумотлари асосида берилмоқда

² Ильяшенко А.Н., Антонян Е.А. Криминологическая профилактика правонарушений. – Москва: Норма, 2021. – Б. 112-114.

³ Каплунов А.И. Административное принуждение: теория и практика применения. – Москва: Юрайт, 2019. – Б. 89-90.

⁴ Dobash R.E., Dobash R.P. Women, Violence and Social Change. – London: Routledge, 2002. – P. 145-148.

жарима ҳуқуқбузардан кўра кўпроқ жабрланувчига зарар етказди. Жарима аксарият ҳолларда умумий оила бюджетидан тўланиши туфайли, бу ҳолат жабрланувчини “иктисодий иккиламчи виктимизация” ҳолатига солиб кўяди. Э. Старк ўзининг “мажбурловчи назорат” концепциясида жарималар зўравоннинг оила устидан молиявий гегемонлигини янада кучайтиришига хизмат қилишини кўрсатиб берган бўлса⁵, Д.А. Шестаков бундай жазолаш усули оиладаги низони бартараф этмай, балки нафратни янада авж олдиришини, натижада жабрланувчи кейинги зўравонлик ҳолатлари ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермаслигини (яъни латент жиноятчиликнинг сунъий равишда ошишини) асослаб берган⁶.

Юқоридаги икки ёндашув ўртасидаги баҳслар фониди, муаммонинг энг мақбул муқобил ечимини илгари сурувчи *учинчи гуруҳ олимлари* (В.И. Зубкова, А.В. Звонов ҳамда ғарб тадқиқотчиларидан Э. Эшворт ва М. Тонри) майдонга чиқади. Мазкур олимлар оилавий зўравонлик қилмишларига нисбатан жазонинг индивидуаллашуви тамойилига таянган ҳолда, ҳуқуқбузарни *ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш* ғоясини ёқлаб чиқишади⁷. Уларнинг илмий аргументациясига кўра, жамоат ишлари ҳуқуқбузарнинг бевосита жисмоний меҳнати ва бўш вақти ҳисобига амалга оширилиши туфайли жазо фақатгина айбдорнинг ўзига нисбатан таъсир қилиши керак бўлади. Қолаверса, мазкур ишларнинг “ҳақ тўланадиган” мақомга эга эканлиги оиланинг мавжуд бюджети камайиб кетишининг олдини олади: ҳуқуқбузар ўз меҳнати билан топган маблағининг бир қисмини давлат фойдасига ўтказди ёки жабрланувчига етказилган зарарни қоплашга йўналтиради⁸. Шу тариқа, жазо оиланинг иктисодий манфаатларига дахл қилмайдиган адолатли механизмга айланади.

Ниҳоят, жазонинг фақат ташқи (молиявий ёки жисмоний меҳнат) таъсирлари билан чекланиб қолиш рецидив хавфини тўлиқ бартараф этмаслигини таъкидловчи тўртинчи гуруҳ олимлари (ғарб тадқиқотчилари Э. Гондольф, Л. Бэнкрофт ҳамда МДХ криминал психологлари С.Н. Ениколопов ва И.В. Горшкова) муаммонинг туб илдизига эътибор қаратишади⁹. Мазкур ёндашув тарафдорлари оилавий-маиший зўравонлик негизда ҳуқуқбузарнинг когнитив бузилишлари, ғазабни бошқара олмаслиги ва оила аъзолари устидан ҳукмронлик қилишга бўлган ички (патологик) эҳтиёжи ётишини илмий асослашади.

Уларнинг аргументациясига кўра, ҳар қандай жазо (хоҳ у жарима, хоҳ жамоат ишлари бўлсин) фақатгина қилмишнинг оқибати билан курашади, аммо тажовузкорнинг руҳиятидаги стереотипларни ва агрессив хулқ-атворни ўзгартира олмайди. Шу сабабли, ушбу олимлар маъмурий мажбурлов тизими

⁵ Stark E. Coercive Control: How Men Entrap Women in Personal Life. – New York: Oxford University Press, 2007. – P. 112-115.

⁶ Шестаков Д.А. Семейная криминология: семья — конфликт — преступление. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2023. – Б. 89-91.

⁷ Зубкова В.И. Уголовное и административное наказание: теория и практика применения. – Москва: Юрайт, 2022. – Б. 134-136.

⁸ Shworth A., Roberts J.V. Sentencing and Criminal Justice. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – P. 310-312.

⁹ Gondolf E.W. The Future of Batterer Programs: Reassessing Evidence-Based Practice. – Boston: Northeastern University Press, 2012. – P. 45-48.

жазолаш билан чекланмай, балки қайта тарбиялаш ва тузатиш хусусиятига эга бўлиши шартлигини таъкидлаб, қонунчиликка мажбурий психологик коррекция дастурларини асосий ёки қўшимча ҳуқуқий таъсир чораси сифатида жорий этишни энг зарурий кадам деб ҳисоблайдилар¹⁰. Жумладан, Мажбурий психологик коррекция дастурлари турли ҳуқуқ тизимларига мансуб бўлган, лекин оилавий зўравонликка қарши курашда илғор натижаларга эришган бошқа қўплаб давлатларда ҳам самарали қўлланилаётганини кўришимиз мумкин. Хусусан, Францияда 2014 йилдаги ислохотлардан сўнг қонунчиликка Эр-хотин ўртасидаги зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича жавобгарликни ҳис қилиш курслари¹¹ институти киритилган. Судлар тажовузкорга жазо тайинлаш билан бирга, уни ўз ҳисобидан ушбу курсларда ўқишга мажбур қилади. Австралияда эса бу амалиёт “Эркакларнинг хулқ-атворини ўзгартириш дастурлари” доирасида суд буйруқлари орқали қатъий назорат остида амалга оширилади¹². Постсовет давлатларидан **Грузияда** зўравонлик содир этган шахслар полиция томонидан рўйхатга олингач, мажбурий тартибда зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича психологик реабилитация марказларига йўналтирилади¹³.

Шундай бўлса-да, Мазкур чоранинг давлат мажбурлов тизимидаги ўрни ва самарадорлиги борасида:

Биринчи гуруҳ олимлари (радикал-жазоловчи мактаб вакиллари), жумладан, Л. Шерман ва М. Фридман каби тадқиқотчилар психологик коррекцияни мустақил ёки асосий жазо сифатида қўллашга қарши чиқишади¹⁴. Уларнинг таъкидлашича, ҳуқуқбузарга фақатгина “психологик суҳбатлар” билан таъсир қилишга уриниш бу — зўравонликни рағбатлантирувчи “юмшоқ ёндашув”дир. Тажовузкорлар бундай дастурларни манипуляция қилиши ва жазодан қутулиш воситаси сифатида фойдаланиши мумкин. Шу сабабли, бу олимлар фақатгина қамоқ ёки қатъий изоляция (жамиятдан ажратиш) рецидивнинг олдини олувчи ягона самарали йўл, деб ҳисоблайдилар.

Иккинчи гуруҳ олимлари (интегротив-реабилитацион мактаб вакиллари), хусусан, Ж. Эдлсон, Д. Жонс ҳамда МДХ олимларидан Н.А. Исаев ва А.Л. Ситковскийлар радикал-жазоловчи мактаб ёндашувини инкор этиб, қамоқ

¹⁰ Ениколопов С.Н. Психологические проблемы семейного насилия // Психология и право. – Москва, 2018. – № 3. – Б. 112-114.

¹¹ Loi n° 2014-873 du 4 août 2014 pour l'égalité réelle entre les femmes et les hommes, Article 50 (Франция Республикасининг «Аёллар ва эркаклар ўртасидаги ҳақиқий тенглик тўғрисида»ги 2014-873-сонли Қонуни). – Paris: Journal Officiel, 2014. Электрон манба: <https://www.legifrance.gouv.fr/loda/id/JORFTEXT000029330832> (мурожаат вақти: 03.04.2026).

¹² Men's behaviour change program minimum standards (Эркакларнинг хулқ-атворини ўзгартириш дастурларининг минимал стандартлари). Department of Health and Human Services. – Melbourne: State Government of Victoria, 2017. – P. 10-15. Электрон манба: <https://www.dhhs.vic.gov.au/> (мурожаат вақти: 03.04.2026).

¹³ Закон Грузии «О пресечении насилия в отношении женщин и/или насилия в семье, защите и оказании помощи жертвам насилия» от 25 мая 2006 года № 3143. Статьи 10.1 и 16.1 (Грузия Республикасининг «Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ва/ёки оилавий зўравонликка барҳам бериш, зўравонлик қурбонларини химоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Қонуни). – Тбилиси: Законодательный вестник Грузии (Matsne), 2006. Электрон манба: <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/26422> (мурожаат вақти: 03.04.2026).

¹⁴ Sherman L.W., Berk R.A. The Specific Deterrent Effects of Arrest for Domestic Assault // American Sociological Review. – Washington, 1984. – P. 261-263.

жазоси ҳуқуқбузарнинг агрессиясини даволамай, балки уни янада салбий тарафга ўзгартиришини таъкидлайди¹⁵.

Юқоридаги илмий қарашларни ва илғор хорижий тажрибаларни қиёсий таҳлил қилган ҳолда, қйидаги хулосага келиш мумкин:

биринчидан, оилавий-маиший зўравонлик ҳолатларида молиявий санкциялар ўзининг превентив хусусиятини йўқотиб, оиланинг иқтисодий манфаатларига путур етказишини ва жабрланувчининг иккиламчи виктимизациясига сабаб бўлишини инобатга олиб, учинчи гуруҳ олимларининг фикрини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 59-2-моддаси санкциясидан жарима жазосини бутунлай чиқариб ташлаб, унинг ўрнига асосий жазо сифатида *ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш* чорасини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур механизм орқали ҳуқуқбузарнинг бевосита ўзи меҳнат мажбуриятларини бажаради ва, энг муҳими, оиланинг умумий бюджетига зарар етказилмайди.

Иккинчидан, интегратив-реабилитацион мактаб вакилларининг қарашларига қўшилган ҳолда, жазонинг фақатгина жисмоний ёки изоляцион (қамок) таъсири рецидив жиноятчиликнинг илдизини қоплай олмаслигини таъкидлаймиз. Шу боис, энг оғир маъмурий жазо ҳисобланган маъмурий қамокни қўллаш чоғида, суд ҳуқуқбузарга нисбатан *мажбурий психологик коррекция дастурларидан ўтиш талабини* қатъий мажбурият сифатида белгилаши шарт. Маъмурий қамокнинг жамиятдан вақтинча ажратувчи (жазолоччи) кучи психологик тузатишнинг (реабилитацион) хусусияти билан бирга қўлланилгандагина тажовузкорнинг руҳиятидаги стереотипларни ва агрессив хулқ-атворни ўзгартиришга эришиш мумкин.

Ушбу интеграциялашган ёндашув Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тизимида жазолаш ва қайта тарбиялаш функцияларининг мувозанатини таъминлайди ҳамда оила институтини зўравонликдан ҳимоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ильяшенко А.Н., Антонян Е.А. Криминологическая профилактика правонарушений. – Москва: Норма, 2021. – Б. 112-114.
2. Каплунов А.И. Административное принуждение: теория и практика применения. – Москва: Юрайт, 2019. – Б. 89-90.
3. Dobash R.E., Dobash R.P. Women, Violence and Social Change. – London: Routledge, 2002. – P. 145-148.
4. Stark E. Coercive Control: How Men Entrap Women in Personal Life. – New York: Oxford University Press, 2007. – P. 112-115.
5. Шестаков Д.А. Семейная криминология: семья — конфликт — преступление. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2023. – Б. 89-91.
6. Зубкова В.И. Уголовное и административное наказание: теория и практика применения. – Москва: Юрайт, 2022. – Б. 134-136.

¹⁵ Edleson J.L., Tolman R.M. Intervention for Men Who Batter: An Ecological Approach. – London: Sage Publications, 1992. – P. 85-88.

7. Shworth A., Roberts J.V. Sentencing and Criminal Justice. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – P. 310-312.

8. Gondolf E.W. The Future of Batterer Programs: Reassessing Evidence-Based Practice. – Boston: Northeastern University Press, 2012. – P. 45-48.

9. Ениколопов С.Н. Психологические проблемы семейного насилия // Психология и право. – Москва, 2018. – № 3. – Б. 112-114.

10. Loi n° 2014-873 du 4 août 2014 pour l'égalité réelle entre les femmes et les hommes, Article 50 (Франция Республикасининг «Аёллар ва эркеклар ўртасидаги ҳақиқий тенглик тўғрисида»ги 2014-873-сонли Қонуни). – Paris: Journal Officiel, 2014.

Электрон

манба:

<https://www.legifrance.gouv.fr/loda/id/JORFTEXT000029330832> (мурожаат вақти: 03.04.2026).

11. Men's behaviour change program minimum standards (Эркекларнинг хулқ-атворини ўзгартириш дастурларининг минимал стандартлари). Department of Health and Human Services. – Melbourne: State Government of Victoria, 2017. – P. 10-15. Электрон манба: <https://www.dhhs.vic.gov.au/> (мурожаат вақти: 03.04.2026).

11. Закон Грузии «О пресечении насилия в отношении женщин и/или насилия в семье, защите и оказании помощи жертвам насилия» от 25 мая 2006 года № 3143. Статьи 10.1 и 16.1 (Грузия Республикасининг «Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ва/ёки оилавий зўравонликка барҳам бериш, зўравонлик қурбонларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Қонуни). – Тбилиси: Законодательный вестник Грузии (Matsne), 2006. Электрон манба: <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/26422> (мурожаат вақти: 03.04.2026).

12. Sherman L.W., Berk R.A. The Specific Deterrent Effects of Arrest for Domestic Assault // American Sociological Review. – Washington, 1984. – P. 261-263.

13. Edleson J.L., Tolman R.M. Intervention for Men Who Batter: An Ecological Approach. – London: Sage Publications, 1992. – P. 85-88.

14. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг статистик маълумотлари.